

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
1 август

ЧОРШАНБА

№ 61 (13114)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг тўққинликсиз амалга оширилишини таъминлаш, бизнес юритиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ушбу мақсадда муқобил текширувлар ва режадан ташқари текширувларнинг барча турлари бекор қилинди, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги бир қатор лицензияланган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди ҳамда соддалаштирилди. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги рейтингига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда, уларнинг ҳал этилиши бизнесни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини таъминлаш имконини беради. Хусусан:

Биринчидан, назорат қилувчи органлар ва инсофий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ишончли ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилинганлиги амалдаги текширувлар тизимини, давлат назоратининг бошқа

турларини, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тартибини тубдан қайта қўриб чиқишни талаб этади;

Иккинчидан, қонун ҳужжатларида замон талабларига жавоб берадиган айрим ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги сабабли солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пенялар ва молиявий жарималар бўйича қардорликлар сунъий йўл билан йиғилиб бормоқда;

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келаётган давлат органларининг самарасиз ва ортқча назорат функциялари амал қилмоқда;

Тўртинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг ташкилий жиҳатлари ва тартиб-таомилларини комплекс тартибга солиш ҳамда уларнинг қонунийлиги мониторингини олиб боришнинг ягона яхлит тизими мавжуд эмаслиги назорат қилувчи органлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва ўтказиладиган текширувларнинг асослигини ҳолис баҳолаш имконини бермапти;

Бешинчидан, ўтказиладиган текширувларнинг очиллиги, ошқоралиги ва ҳолислигини таъминловчи назорат қилувчи органлар фаолияти устидан мустақил жамоатчилик назорати тизими жорий этилмаган;

Олтинчидан, кўчмас мулк объектларини бузиб, давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг амалдаги механизмидаги камчиликлар уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда, тадбиркорлик субъектларининг давлатга бўлган ишончига путур етказмоқда, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини пасайтирмоқда.

Бизнесни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада кучайтириш, мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг мазкур Фармон қўл қилган вақтда мавжуд бўлган қатъий белгиланган солиқ ва ушбу қардорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қардорликни, шунингдек, молиявий жарималар ва суд харажатлари (суд чиқимлари бундан мустасно) бўйича қўйидагиларга ҳисобланган қардорликни ҳисобдан чиқариш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин:

2018 йил 1 апрелга қадар яқка тартибдаги тадбиркор макомини йўқотган жисмоний шахсларга ва 2018 йил 1 апрелдан молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган (шу жумладан, фаолиятини вақтинча тўхтатган) яқка тартибдаги тадбиркорларга; давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик

фаолияти билан шуғулланганлиги учун бир йиллик қатъий белгиланган солиқ суммаси ҳисобланган жисмоний шахсларга.

Ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган қардорликларни ҳисобдан чиқариш, мазкур банднинг тегишли равишда иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган шахслар 2019 йил 1 январга қадар муддатда тадбиркорлик фаолиятини тиклаган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолларда амалга оширилиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ушбу бандда кўрсатилган шахсларнинг тадбиркорлик ва молия-ҳўжалик фаолиятини тиклашда, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда фаол ёрдам берсин, бажарилган ишлар натижалари тўғрисидаги ойлик ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

2. Яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахслардан тегишли фаолият тури бўйича белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган бир йиллик миқдордаги қатъий белгиланган солиқни бир йўла ундириш тартиби бекор қилинсин.

Давоми 2-бетда ➡

Жорий йилнинг 27 июль кунин Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўтарилган ағрикли муаммолар ҳар биримизни шу ҳақда жиддий ўйлашга ундади.

Жиноят ҳақиқати ва адолат

Йиғилишда жорий йилнинг 6 ойида юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизиди ёшларнинг қўли борлиги ачинарли аҳвол экани айтилди.

КИМ ЮТАДИ, КИМ ЮТҚАЗАДИ?

Давлат раҳбари бунинг сабабини ёшлар ягона гоё, ягона мақсадлар йўлида жипслашмаётгани, таълим-тарбия ва бандлиқни таъминлашда қўлаб тизимли муаммолар ҳал этилмаётгани билан изоҳлади.

Маълумки, бир йилда 600 мингдан зиёд йигит-қиз мактаб, лицей ва коллежларни битиради. Уларнинг 10-15 фоизига олий ўқув юртлири талабаси, деган номга муяссар бўлади. Ҳўш, қолганлари-чи? Улар эртага ким бўлиши ҳақида сизу биз бош қотираяпмизми? Ёш авлодининг ана шу катта бир "армияси" эътибордан четда қолса, ким ютади, ким ютқазади?

Албатта, бу барчамизни бирдай ўйлантирадиган масала. Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш, уларнинг ташаббусларини, гоёларини рўёбга чиқариш, умуман, ёш авлодини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тузилди, унга қўл вақолатлар берилди. Айни пайтда мазкур иттифок йирик-йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда. "Yoshlar - kelajagimiz" Давлат дастури қабул қилинди.

Ёшлар масаласи бўйича ҳатто парламентда ҳам махсус тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, парламентнинг қориси палатаси - Сенатда эса Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкил қилинди.

Давоми 2-бетда ➡

Эътибор

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, ақлан етук, баркамол авлодни вояга етказиш давлат ва жамиятнинг улуввор ва муштарак мақсади.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Давлатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан вилоятимизнинг барча ҳудудларида "Халқ саломатлиги — жамият кўзгусидир" шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўриklar ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Халқ таълими вазирлиги ва ўрта махсус касб-хунар таълими маркази кўшма қарорига асосан 26-27 июль кунлари ҳудуд шундай тадбирлар, хусусан, Зангиота ва Тошкент туманларида ўтказилди. Тиббий кўриklar вилоят ва туман даволаш-профилактика муассасалари ходимларини жалб этган ҳолда ташкил этилиб, саломатлик тадбирида асосан чекка ҳудудларда яшовчи, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли вакиллари, қариялар, аёллар ва болалар невропатолог, дерматолог, гинеколог, онколог, окулист, эндокринолог каби мутахассислар кўригидан ўтдилар.

Тиббий кўриқда аҳоли саломатлиги ЭКГ, УТГ аппаратлари, лаборатория жиҳозлари ёрдамида назоратланган ўтказилиб, касаллик аниқланганларга керакли йўл-йўриқ, тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Давоми 2-бетда ➡

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили



ИШБИЛАРМОНЛИК ДАРСХОНАСИ

Буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомиз "Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳибини, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир", деганлар. Бугун тадбиркорман деган кўп. Лекин, уларнинг ҳаммасида ҳам чинакам ишбилармонлик сифати бўлавермайди. Ишбилармон киши бор имкониятдан унумли фойдаланиб, даромад қўриши баробарида бошқаларнинг ижтимоий аҳволи яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади. Бугун ана шундай фидойилар керак...

Ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни жорий қилиб, харидорларнинг кўнглига йўл топишни ҳам қўйиллатиб қўйибди. Тадбиркор яхши англайди — маҳсулот сотиб олишга келган киши нархдан оғринмаса, сифатидан рози бўлса бас — қуруқ қўл билан қайтмайди...

Корхонада бир йилдан бери ишляпман, — дейди ишчилардан бири Жаҳохир Абдуҳалилов. — Ишимдан кўнглим тўлади. Маошимизнинг вақтида оламиз. Меҳнат жамоамиз жуда аҳил. Корхонамиз ривожини учун доим изланамиз. Маҳсулотларимизнинг ҳар бир майда деталига эришмай ишлов берамиз. Раҳбаримизнинг айтишича, ўзини ҳурмат қилган ишбилармон, энг аввало, мана шу жиҳатларни кўздан қочирмаслиги керак экан.

Корхонада бир йилда 200 дан ортққ трансформатор ишлаб чиқарилади ва республикамизнинг деярли барча

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

"Қибрай трансформатор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Эржон Турдикулов ҳам ўз меҳнати, ишбилармонлиги билан туманда ҳурмат қозонган тадбиркорлардан. Бўладиган бола бошидан маълум, деганларидек, қаҳрамонимизнинг тадбиркорликка иштиёқи болалигиданоқ баланд бўлган экан.

Дастлаб бозорда электр жиҳозлари олди-сотдисини йўлга қўйди. Зийраклик, теҳна таҳлил билан дўконини маҳсулотларга тўлдирди. Шу сабаб харидорлари сони ортққ борди.

Эржон бора-бора тушуниб етдики, бозорда трансформаторга бўлган талаб катта экан. Яна у ўзимизда, арзон

ва сифатли тайёрланса-ку, нур устига аъло нур. Мана шу нурни унга туманда ҳамёнбоп трансформаторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона фаолиятини йўлга қўйишда дастлабки муҳим туртки бўлди. Бундан саккиз йил аввал иш бошлаган корхона маҳсулотлари тезда ово-за бўлди.

Турли давраларда ишбилармон кишилар ҳақида гап кетганда, Эржон тез-тез тилга олинадиган, уни яқиндан билганлар эса, "Ўз ишининг устаси", дея эътироф этадиган бўлди...

— Фаолиятимизнинг дастлабки йилларида, очиги, ма-лакали мутахассислардан бир оз қийналдик, — дейди Эржон

Турдикулов. — Лекин, кейинчалик барчаси изга тушиб, ишимиз жадаллашиб кетди. Маҳсулотни чидамли ва сифатли бўлишига астойдил эътибор қаратамиз. Бундан ташқари, харидорнинг хоҳиш ва талабини доимо инобатга оламиз. Ҳозирда буюртмаларимиз ҳажми анча кўпайди. Гоҳида улгуролмай ҳам қолаяпмиз. Шу сабабдан, кўшимча цех очишни режалаштириб турибмиз.

Айни пайтда корхонада 50 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ердаги иш унумдорлигини қўриб, тўғриси, корхонани ишбилармонлик дарсхонасига ўхшатдик. Эржон ишчилар учун барча шароитларни яратиб берган

«ҲИЛОЛА»НИНГ ХОНАДОН БОҒЧАСИ

Олимларнинг ҳулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида ўзлаштирадиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Шу боис, болалар боғчаси ўсиб келаётган ёш авлодини соғлом ва билимли бўлиб вояга етишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Президентимизнинг "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинганидан кейин давлат шериклиги асосида ҳусусий болалар боғчалари ташкил этишга кенг йўл очилди. Жойларда мактабгача таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилётгани аҳоли учун катта қўлайлик бўлмоқда.

Яқинда Фазалкент шаҳридаги "Ҳилола"

маҳалла фуқаролар йиғинида 25 ўринга мўлжалланган навбатдаги ана шундай муассаса ўз фаолиятини бошлади.

Рус ва инглиз тилини ўргатишга ихтисослашган мазкур нодавлат мактабгача таълим масканида 1 ёшдан 4 ёшгача болаларга таълим-тарбия берилади.

Умуман, туманда бу йил 13 та нодавлат мактабгача таълим муассасасини очиб режалаштирилган. Дастлабки боғчани тадбиркор Муштарий Баратова ўз

Мақтабгача таълим

маблагини ҳисобидан шахсий хонадонидан ишга туширди. Муассаса барча қўлайликларга эга бўлган машғулот хонаси, ётоқхона, замонавий ошхона ва ўйин майдончасига эга.

Маҳалламизда мана шундай болалар боғчаси очилганидан жуда хурсандмиз, — дейди Саодат Фаттоҳова. — Энди фарзандларимиз мактабга тайёр ҳолда қадам қўядиган бўлди. Тарбиячиларнинг малакаси ва ҳушмуомалалигидан мамнунмиз. Энг муҳими, болаларимиз ишончли қўларда.

Ўз мухбиримиз



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ
МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Олий суд билан биргаликда уч ой муддатда тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларга ҳисобланган ундириш умидсиз бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, мазкур қарздорлик учун ҳисобланган пенялар бўйича қарздорлиқни, шунингдек, молиявий жаримлар ва суд ҳаражатлари (суд қиқимлари бундан мустасно) бўйича қарздорлиқни хатловдан ўтказсин, кейинчалик кўрсатилган қарздорлиқларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Марказий банки, Молия вазирлиги ҳамда Ҳусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиқ бўлган ва икки ой давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаётган яқна тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;

молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш, шунингдек, фаолият кўрсатмаётган ташкилотлар ва муассисаларни узоқ муддат бедарак бўлган ташкилотларнинг умидсиз қарздорлигини ҳисобдан чиқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

4. 2018 йил 1 сентябрдан:

тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режалар текширувлар;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибдаги текширувлар бекор қилинсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан:

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи "хавфни таҳлил этиш" тизими натижалари асосида амалга ошириладиган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинishi шарт;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширув тасмоллангандан кейин уч кун давомида тадбиркорларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида киритилади.

6. Қуйидагилар:

Ваколатли орган билан келишилган

Бошланғич 1-бета

ҳолда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар турларининг рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибда ўтказиладиган текширувлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Назорат қилувчи органлардан бошқа ташкилотларга ўтказилаётган айрим назорат функциялари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилсин.

7. Назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Савдо-саноат палатаси билан келишган ҳолда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда ўз фаолиятига "хавфни таҳлил этиш" тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги тегишли низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги назорат қилувчи органларга "хавфни таҳлил этиш" тизимини ўз фаолиятига жорий этишда кўмаклашин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг бошланғич версиясини ишлаб чиқсин ҳамда 2019 йил 1 январдан унинг қуйидагиларга имкон берувчи тўлиқ версиясини ишга туширсин:

а) ваколатли органга:

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида текширувларни ўтказиш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг асослигини ўрганиш ва текширувларни ўтказишга ноёб код билан рухсат бериш;

назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган текширувлар ўтказиш тартибига риоя этилаётганлиги устидан назоратни амалга ошириш;

б) назорат қилувчи органларга ўтказилган текширувлар натижаларини киритиш;

в) тадбиркорлик субъектларига ўз сўровларига қўра ўтказиладиган текширув ҳақидаги ахборотни қисқа хабар (SMS) кўринишида ҳамда реал вақт режимида Интернет тармоғи орқали олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу Фармон қондаларини инобатга олган ҳолда "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин;

Бир ой муддатда "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўра киргунга қадар амал қиладиган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низомни ҳамда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5087-сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектлари – Палата аъзоларининг фаолиятида ўтказиладиган текширувлар мониторингини амалга ошириш ҳамда текширувларда иштирок этиши маълумот учун қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда яқунлари юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ахборот тақдим қилиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектларида текширувлар ўтказиш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Марказий банкнинг 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб яқна тартибдаги тадбиркорларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган янги ёнгил автомобильларни банк корпоратив карталари орқали сотиб олиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда "Давергеодезкадастр" қўмитаси деб юритилади) ва Адлия вазирлигининг 2018 йил 1 октябрдан қўчмас мулкка (ер участкалари, бино ва иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахларга) бўлган ҳуқуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиришни бекор қилиш, тегишли ёзувни қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестрига электрон шаклда киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

15. 2018 йил 1 октябрдан шундай тартиб жорий этилсинки, унга қўра:

қўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги, шу жумладан, ушбу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниши, шунингдек, улар билан тузилган битимлар ҳақидаги ахборот маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат нотариал идоралари, Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш вазирлигининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, бошқа ваколатли органлар томонидан "Давергеодезкадастр" қўмитасининг ҳудудий органларига тегишли хатти-ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб бир кун муддатда ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилади;

"Давергеодезкадастр" қўмитасининг ҳудудий органлари ушбу банднинг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган ахборотга асосан қўчмас мулкка бўлган тегишли ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаат қилганда, давлат ва бошқа ташкилотлар сўров юборганда "Давергеодезкадастр" қўмитасининг ҳудудий органлари қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва улар билан тузилган битимлар давлат реестридан тегишли ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи электрон ва (ёки) қогоз шаклдаги қўчирмани тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу банднинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва улар билан тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги механизмни жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармани (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил қилиш;

Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини белгилаш, уларда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари жалб қилинишини назарда тутиш;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилишини Жамғарма билан мажбурий тарзда келишиш тартибини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини назарда тутган ҳолда, Жамғарма фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳуқуқат қарорини қабул қилсин.

17. 2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбасари Б. М. Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д. С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 июль

КИМ ЮТАДИ,
КИМ ЮТҚАЗАДИ?

Видеоселектор ййғилишида қайд этилганидек, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва аҳоли билан тўғриван-тўғри ишлайдиган бошқа ташкилотлар, ҳокимликлар, ички ишлар бўлимида ёшлар бўйича ўринбасар лавозими жорий этилди.

Бироқ, яратилаётган бундай шароитлар, тузилаётган нуфузли тармоқ бирликлари, ажратилаётган маблағлар, қўрилаётган чора-тадбирлар қўламга қарамайдан ёшлар ўртасидаги жиноятчиликка батамом барҳам бериб бўлмапти.

Назаримда, бундай ҳуқуқ манзаранинг юзага келишига сабаб бўлаётган омиллардан бири аксарият ёшларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганидир. Шунинг оқибатида ҳозирда бирорта ҳам ижтимоий фойдали ишларга жалб этилмаган, уюлмаган ёшларнинг сафи 1 миллиондан ошиб кетган ва бу рақам тобора ортиб бормоқда.

Кўринадиган, Президентимизнинг бу борада қайғуриб, таъшиш тортаётгани, жойлардаги масъуллар ёшлар томонидан содир этилаётган ҳар бир жиноят бўйича муҳокамаларни ўзлари ташкиллаштириш ва сабабларини аниқлаш, оммавий ахборот воситаларида бевосита чиқиб, маълумот бериши даркор, деган талабни қўяётгани бежиз эмас. Шундангина ҳар бир жиноятнинг илдиригача етиб бориш, сабабларини аниқлаб, келгусида унинг олдини олишда самарага эришиш мумкин бўлади. Акс ҳолда, ҳамма жиноятчиликка қарши курашиш имунитетини шакллантириш ўрнига унинг оқибатлари билан овера бўлиб қолаверади.

Биз айна масала юзасидан барча давлат ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари қаторида бу йўналишдаги ўз ишларинини қайта кўриб чиқишимиз, фаолиятимизни жонлантиришимиз лозим, деган ҳулосага келдик. Тўғри, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ибратли ишларни амалга оширди. Бироқ, бу ишлар бугунги ҳокек олдида етарли эмаслиги аён бўлиб турибди.

Шу сабаб парламент аъзолари яқин кунларда Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси иштирокида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш борасида қўлинаётган ишларни танқидий ўрганиб, аниқ тақлифлар билан чиқади.


Зеро, эртаимиз қандай бўлишини истасак, бугун, ҳозирдан шунга яраша йўл тутмоғимиз, келажагимизни таъминловчи авлодга муносиб шароит ва имконият яратишимиз, улар тақдирига бефарқ қарамаслигимиз лозим.

Жолдасбай АБДИЖАМИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси ўринбасари.
ЎЗД

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Тадбир давомида аҳоли ўртасида китоб савдоси, сахналаштирилган бадий чиқишлар, спорт мусобақалари, тиббий маданиятни ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга даъват этувчи видеороликлар намойиши, давра суҳбатлари ташкил этилди.

– Туманимизда 3 кун давом этган ушбу тадбирда 4 минг нафардан зиёд аҳоли иштирок этди, – дейди Зангиота тумани саломатлик маркази раҳбари Ҳабибулло Расулов. – Аҳолининг тиббий маданияти йил сайин юксалиб бораётгани уларнинг бугунги фаолликларида ҳам ўз аксини топди. Қолаверса, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал. Ҳар бир кўчага ҚВП ва ҚОПлардан шифокор ва патронаж ҳамширалар бириктирилган. Улар оилалар билан яхши таниш. Чақалоқларни ўз вақтида эмлаш, ҳомиладор аёллар саломатлигини назорат қилиш, қариялар ҳолидан мунтазам хабардор бўлиш – саломатлик посбонларининг кунда-



лик вазифасига айланган.

– Маҳалла мутахассисидан ҳудудимиздаги 19-мактабда бепул тиббий кўрик ташкил этилаётганини эшитиб, қўни-қўшни, келину набиралар билан қўллашиб келавердик, – дейди ўзини Наима Ҳасанова деб та-ништирган онахон. – Давлати-

мизнинг ғамхўрлигидан айланай, замонавий тиббий воситалар ёрдамида соғлиғимизни текширтириб, кўнглимиз таскин топди. Шифокорларнинг ширин муомаласидан касаллик бир қадар чекинди, чамамда.

Аллома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Халқ депутатлари Олмалиқ
шаҳар кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар шаҳар ҳокими лавозимида ишлаб келган Мирағзам Мирқосимов бошқа ишга ўтгани муносабати билан вазифасидан озод этилди.

Депутатлар Ўқтамжон Каримовни Олмалиқ шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқладилар.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов иштирок этди.

Халқ депутатлари Қибрай
тумани кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Қибрай тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Чуқур таҳлилий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар Олмалиқ шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келган Мирағзам Мирқосимов Қибрай тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Олмалиқ шаҳар ҳокими лавозимига Каримов Ўқтамжон Деҳқонбоевич 2018 йил 31 июлдан тайинлансин. Ушбу қарор Халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими

Ф. ИБРАГИМОВ

2018 йил, 30 июль

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Қибрай тумани ҳокими лавозимига Мирқосимов Мирағзам Миразадович 2018 йил 31 июлдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Қибрай тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими

Ф. ИБРАГИМОВ

2018 йил, 30 июль

Бошланғич 1-бета

Назаримда, инсон дўстни излаб юриб топмайди. Ҳаёт рубару қилган дўстнинг қадрига етган, яхши-ёмон кунда елкадош бўлган одам дўстсиз қолмайди. Чунки, дўстидан меҳр кўрган инсоннинг дилида ишонч мавжланади. Ишонч эса юракка куч, қувват беради. Агар у ижодкор бўлса, илҳомлантиради.

Камина шаънига икки оғиз сўз айтмоқчи бўлган инсон мени кўп бора илҳомлантира олган. Беҳтиёр қалби қатидан сачраб чиққан сўзлар қутилмаган ташбехлар ато этган. Шу боис, у ҳақда ўйланганимда кўнглим тиниклашади, ҳаёлим хурланади. Дилим меҳрдан лоланган бўлади.

Албатта, ўқувчи кўнглидан шоир ким ҳақда гапиряпти ўзи, деган ўй ўтаётган бўлиши табиий. Мен дилбар шоир, истеъдодли ёзувчи, забардаст журналист, шоир сифатида халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби, журналист сифатида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, дарёдил инсон – Темури Убайдулло номини эҳтиром ила тилга олмоқчиман.

Темури аканинг ижодий фаолияти ҳақида гапиришдан олдин инсоний фазилатларини таърифлашим келарди. Чунки, яхши одам, дили билан тили бир бўлган ижодкор ёмон ёзмайди.

Темури ака падири бузруквори йўлдош отанинг, волидан муҳтарамаси Манзура аянинг хўп дуоларини олган. Оталари тўрт йил жанг-ғоҳларда қон кечган, жисму жонидан яраланмаган жойи қолмаган, биринчи гуруҳ ногирони бўлган. Аммо ҳаётеъсарғили, эртанги кунга ишончи, имон-этиқоди мустаҳкам бўлгани, қолаверса, аёлидан, ўғилларидан меҳр кўриб, иззату икромда яшагани учун 95 йил умр кўрдилар. Бир оз баджаҳл, чўрткесар, чапани одам бўлсалар ҳам, оққўнғил, очик қўл, меҳмондўст эдилар. Ана шу хислатлар Темури акага отамерос.

Манзура аяни эса бекиёс меҳру оқибат, раҳм-шафқат эгаси, ўзбек аёлига, оналарига хос оқила, дилбар аёл сифатида эслаймиз. Меҳр берган меҳр кўргуси деганларидек, Темури аканинг онасига кўрсатган оқибати, қилган хизматлари, меҳрибонликларининг чеки йўқ эди. Юз йил умр кўрган онахоннинг суҳбатларини, дуоларини олганмиз. Манзура аянинг бир сўзларини бот-бот эслаб тураман:

– Болам, менинг уч ўғлим ёнга Худойим икки қиз ҳам берди. Аммо,

умри қисқа экан, улар пешонамизга сиймади. Темури ўғлим менга ўша қизларим кўрсатолмаган меҳрни кўрсатди. Бир ўғил меҳрибон бўлса, шунчалик бўлади-да.

Темури Убайдулло қаламидаги нур онахоннинг дуоларининг нуридан дориган бўлса, ажабмас.

Темури ака иродаси мустаҳкам инсон. Ўғил-қизни уйли-жойли қилиб,

Дил изҳори

Ҳар инсоннинг кўзидан ёғду ёғилади. Қачонки, кўнгли қулиб турса, юзи қулиб турса. Одам боласи бошига тушган ғаму ҳасрат учун ҳам шукр билан яшайди. Қачонки, имонда, эътиқодда собит бўлса. Бугуннинг чимдим азобини эртанги куннинг ёруғ ҳаёлларига ўрай олган, қалбдаги умиди умр йўлларини ёритиб турган инсон ҳаётдан ҳикмат излаб яшайди...

Кўнгли кўзидаги ёғдулар

энди эру хотин фарзандлар ардоғида, набиралар қуршовида яшаймиз деганда, рафиқаси Васила оғага умр вафо қилмади. Бу дарди аримасдан тақдир иккинчи, кенжа ўғлини кўп кўрди. Икки набира, келин, бутун оила чирқираб қолаверди.

Аммо, Темури ака чўкиб қолмади. Қалами дардида оро кирди. Борини қозоғга тўкиб солди. Хуш ниятда, қаламидан, дилидан ёғду сочиб ёзганлари, дарду изтироблари битилган асарлари ҳозирда ўн беш катта-кичик китобга жо бўлган...

Албатта, Темури Убайдулло бугун кўлига қалам олиб, эртасига булбулгўё бўлиб кетишган. Аввал мактабда биринчи муаллимаси Адолат опанинг ҳам ардоғида, ҳам назоратида китобни қандай ўқишни, қайси китобларни ўқишни, таллаб шеър ёдлашни ўрганди. Кейин ҳассос шоир Хайридин Салоҳ раҳбарлик қилган ёш қаламкашлар тўғрисида ҳам у кишидан, ҳам Юсуф Шомансурдан сабоқ олди. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети-нинг журналистика факультети-га ўқишга кирди. Олий маълумот олиб, "Гулхан" журналида иш бошлади. Аввал муҳбир, сўнгра бўлим мудир бўлди. Бу йилларда Файратий, Шухрат, Ҳасим Назир, Пулат Мўмин каби атоқли адибларнинг ҳаёти ва ижод мактабини ўрганди. Устозлар барини маҳкам тутди. 1978 йили илк шеърини тўплами "Телефон"

номи билан нашр этилди. Кейин "Замин муҳаббати" шеърлар тўплами эълон қилинди. Достонлари жамланган китоби эса "Ҳаёт гули" деб номланди.

Темури Убайдулло журналист сифатида қаламини чархлаган, адабиёт даргоҳидаги катта қадамлари-га эшик очган "Тошкент оқшом" газетаси ва унинг аҳил жамоаси бўлди. Долзарб мавзуларда битилган юзлаб публицистик мақолалар, эл севиб ўқиб турган романлар,

Уларнинг аввалида онага бўлган, фарзанда бўлган соғинч ҳаммаша инсонни энтиктиради. Ватанга бўлган соғинчнинг оғриғи ҳам, азоби ҳам, қувончу шодликлари ҳам ўзгача. Мен буни ўз бошимдан илк бор ўтказганимда сўзга сиймас туйғулар тўфонидан қолганман. Европанинг етти давлатини 12 кун автобусда айланиб, самолётимиз Тошкент тупроғига кўнганда жисму жонимиз титроққа айланган, кўзимизга ёш қалққан. Яратганга беҳисоб шукрлар қилганмиз.

Бу ҳақда гапиришдан мақсад, Темури Убайдуллонинг аксарият асарларида Ватанга муҳаббат, киндик қони томган тупроққа меҳр, уни гуллатиб, яшатаётган фидойи ватандошларига бўлган эҳтиром балқиб туради:

Мен нима ўйласам баридан буюк,



Япроқлар тўқилар йўлимга,
Шошиб дарахтларга ташлайман нигоҳ,
Кўз келибди, недир ботди кўнглимга,
Қалбимдан узилди яна ўтги оҳ.

Сарғайган чор-атроф, дайди
шамоллар,
Пирпирар табиат, увишди дилим.
Сарғаймасин фақат хушнуд айёмлар,
Шу баргдек узилиб кетма, севгилим.

Тенги йўқ, бахти бут сендайин эл кам.
Ҳар қадамда сени ардоқлаб, суюб,
Кашф этиб келяпман муқаддас ўлкам!

Мен англаб етдимки, барча згулик,
Дилимдаги барча олий армоним,
Қутлуг нарса борки илға тизгулик,
Бари ўзингдирсан, Ўзбекистоним!

Дарвоқе, бир куни Темури аканинг уйига борсам, юз ёшли оналарининг бир қўлларига ҳассасини бериб, бир қўлининг билагидан ўзи тутиб, ҳовлисиде етаклаб юрган экан. Ўша оқшом ушбу саккизлик қозоғга тушган:

Юзга етган эй, онаизор,
Юринг аста-аста бўлса ҳам.
Оёгингиз теккан жойки бор,
Бизлар учун бўлсин мукаррам.

Ҳар қадамда айтгум минг бора,
Мерос қилинг ўғил-қизларга.
Сиздан кейин она сайёра
Жаннат бўлиб қолсин бизларга.

Шоирнинг "Ишқ бизга ёрди" тўпламидаги аксарият шеърлар шаклу шамоили, қутилмаган ташбехлари, жозибаси билан ўқувчи кўнглини ром этади. Зеро, яхши шеър – яхши ниятнинг, тоза туйғунинг оний қувончу дардининг сўздаги товланиши. Сўзга ташбеҳдан товланса, оқил шеърхон излаб юрган бойлигини топгандек тўққиналади. Шу шеърни ўзи ёзгандек офтобланиб юради.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Курсант бурчаги

Бугун амалга оширилаётган ислохотлар доирасида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, буларсиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиб бўлмайди.

МУҲИМ МЕЗОН

Мазкур жараёндаги энг муҳим қадамлардан бири, шубҳасиз, "Суриштирув институти-нинг тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилингани бўлди. Аввалги суриштирув институти терговга қадар текширув органлари сифатида ўзгартирилди. Суриштирув эса, терговнинг бир бўлаги сифатида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг тергов қилишининг суриштирув шаклида амалга оширилишидир.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, суриштирув институти-нинг очилиши фуқаролар содир этган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун ҳам дастлабки терговнинг умумий муддати, яъни уч ой сарсон-саргардон бўлиб юришининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Эндиликда мазкур тоифадаги жиноятлар тез ва қисқа муддатда, бир ой мобайнида қонуний ҳал қилинмоқда. Бу эса фуқароларнинг вақти беҳуда кетмаслигига сабаб бўлмоқда.

Суриштириш институти адолат тарозисига айланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

Дониёр ХАЛИЛОВ,
ИИБ Академияси курсанти

СОЛИҚДАН ҚАРЗИНГИЗ ЙЎҚМИ?

Бўлса тўланг ва хотиржам яшанг...

Бугун тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган кўпгина муҳим қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар тўғрисида тadbиркорлик субъектлари янада ривожланиб, уларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, эркин фаолият юритиши кафолатланмоқда. Афсуски, яратилаётган шароит ва имкониятларга қарамайдан, солиқ қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаб, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларни асоссиз кечиктираётган ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамон учраб турибди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Қўйи Чирчиқ тумани давлат солиқ инспекцияси солиқ қарзини ундиришни ташкил этиш бўлими масъул ходимлари ва туман мажбурий ижро бюроси вакиллари ҳамкор-

лигида суд ҳужжатлари ижроси юзасидан солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш мақсадида манзилли талошлар ташкил этиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ҳузуридаги мажбу-



рий ижро бюроси ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг жорий йил май ойидаги қўшма буйруғига биноан ўтказилаётган ана шундай тadbирлардан бирида тумандаги "Олмачи" маҳалласи-

да яшовчи фуқаро Тўйчи Эсонбоев хонадонига борилди.

Бу киши "Эсонбой Тўйчи" фермер ҳўжали-гининг раҳбаридир. Мазкур ҳўжаликнинг 83,6 млн. сўмлик қарз-

дорлигини ундириш мақсадида Қўйи Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди томонидан 2017 йил декабрь ойида ижро варақаси чиқарилган эди. Лекин, бу суммани фермер ҳўжалиги ҳисобидан ундириш имкони бўлмаганлиги учун унга нисбатан 2018 йил 25 олий куни ижро ҳўжжати-нинг ижро усули ва тартиби ўзгартрилди. Яъни, 83,6 млн. сўмлик қарзини ундириш бўйича Қўйи Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг ажрими чиқарилди.

Мазкур суд ажрими-га мувофиқ, "Эсонбой Тўйчи" фермер ҳўжали-ги раҳбари Тўйчи Эсонбоев хонадонини туман мажбурий ижро бюроси давлат ижрочилари

томонидан кўздан кечирилганида, қорамоллари борлиги аниқланди. Шу боис, солиқ қарздорлигини қоплаш учун далолатнома тузилиб, қорамоллар хатланди. Шунингдек, ҳозир мазкур фермер ҳўжалиги раҳбарининг қолган даромад манбалари ўрганилмоқда.

Ўз навбатида, шуни айтиб ўтиш лозимки, биз тўлаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қайсидир хонадонга ойлик маош, пенсионерларга, ногиронларга нафақа, кам таъминланган оилаларга моддий қўмақ сифатида кириб боришини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мирза ҲАМДАМ
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат

тезда тузилди. Ўткир уйдан олиб келган қора рангли спорт шимининг таг қисмини кесиб, ниқоб тайёрлади. Ботир эса тиббиёт резинасидан қўлқоп сифатида фойдаланишни маъқул кўрди. Шундан сўнг улар кечаси билан маҳаллани айланиб юришди. Тунда изгилан шарпалардек вазиятни пинҳона ўрганишди. Эртаси куни кундузи соат таҳминан бирларда уйдан чиқишди. Чирчиқ шаҳрида жойлашган дорихоналарни бирига кириб, икки жуфт резина қўлқоп сотиб

йиқилиб тушган қизчани дарҳол бўға бошлайди. Шу пайт 12 ёшли Собир уларни кўриб, бақириб юборади. Бундан довлараб қолган Ўткир Шодияни қўйиб юборади. "Операция" охирига етмай қолгани учун дўстлар ташқи йўлак томонга қочиб чиқишади. Уйнинг орқа томонида ўтиб, катта қўчага қараб югуриб боришаркан резина қўлқоп ва ниқобларни ариққа ташлаб юборишади.

Аммо... Бузоқнинг югургани сомонхонагача. Шум ниятли босқинчилар дарҳол қўлга тушдилар ва қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлдилар...

Сўзимиз якунида айтмоқчимизки, боши берк қўчаларга кириб қолмаслик учун, энг аввало, ён-атрофимиздаги воқеаларга, кимлар билан муносабатда бўлаётганимизга эътиборлироқ бўлишимиз керак. Чунки, инсоннинг эҳтиёжи ва истакларига меъёр бўлишига баъзан энг яқин дўстлар ҳам сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Суннатилло АВЛАКУЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди раиси,
Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

ДУМБУЛЖАЁЛЛАР

магани етмагандек, Ўткирни ҳам жиноят қўчасига бошлаганига нима дейсиз?

Ўхшатмасдан учратмас, деганларидек, Ботир билан Ўткир тайинли бир мақсад йўқлигидан бир-бирига дардкам, маслаҳатгўй бўлгани учун ҳам тез-тез учрашиб туришган.

Жиноят содир этилишидан бир кун олдинги суҳбат ҳам одатдагидек ўтди. Яна ўзаро меҳрибончилик, аҳмоқона тавсиялар... Дабду-

айёрона тиржайиб айтди. Ота-онаси у кишидан 1500 долларини узоқ муддатга фойдаланиш учун олиб турганини эслади... Хонадон эгалари кун бўйи ишда бўлгани учун уйда сақланаётган пулларни осонгина қўлга қиритиш мумкинлигига дўстини қизиқтира кетди. Уйда фақат воғга етмаган фарзандлар қолиши "иш"га ҳалал бермаслигини тушунтирди.

Хуллас, босқинчилик таклифи Ўткирга маъқул келди. Режа ҳам

олишди. Хонадонга келишганда Ботир устумонлик қилади. Буни қаранг, у Ўткирни жиноят содир этишда биринчи ўринга чиқариб олишга эришади. Иш жоловини дўстига тутқазиб, ўзи унинг ортига беркинади. Думбулжаёл йигит ўртоғининг шум режасини пайкамай, эшикни тақиллатади. Хеч нимадан хабари йўқ 15 ёшдаги Шодия эшикни очди. Қора ниқоб тақиб олган Ўткир қизни қаттиқ туртиб юборади. Ерга

Коррупциянинг илдиз отишида

Чўнтақнинг таги кўриниб қолган бир пайт-да соғлигимда муаммага йўлиқдим. Дарднинг топган вақтини қаранг. Хуллас, иссиқданми, бошқаданми соғлигимда сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Ўзимиз айбдормиз!

Докторга борай десам пул йўқ, бормай десам оғриқ азоб берапти. Бировдан қарз сўрашга йиманиб, бор пулимни чўнтакка солиб шифохонага йўл олдим. Ҳаёлимда фақат бир ўй, доктор ташхисдан кейин "хизмат ҳақи"ни қўп сўрамасин-да. Уларга насия қилиб бўлармиди.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман тиббиёт бirlашмасига қарашли туманлараро 2-сон Тери-таносил касалликлари диспансери рўйхатхонасида очик юзли ҳамширага юзландим. Дардимни айтдим, у бир қанча қороз тўлдириб, шифокорга йўналтирди. Ундан шифокорнинг ҳизмат ҳақи қанча, деб сўрамоқчи бўлдим, аммо навбат кутиб турганлардан уялдим. Худдики танамдаги оғриқ эмас, чўнтагим энгиллиги, шифокор кўпроқ сўраса нима қиламан каби ўй мени кўнгарди. Зиналарни бир-бир босиб иккинчи қаavatга кўтарилдим. Ёнимдан ўтиб-қайтиб юрган ҳамшира, шифокорлар: "Ана, яна бир миқоз келди", дегандек бўлапти ҳаёлимда. Докторга ишинг тушмасин экан, маслаҳатига фалон пул олади, бир қанча анализ топширишингни айтади. Анализларни текинга топшираман, деб хомтама бўлма, анча-мунчага тушасан. Бу ҳам етмагандек бир дунё дорӣ эзиб беради, деб ашитганим бор.

Докторнинг ширин каломи, соғлигимдаги салбий ўзгаришдан мендан кўпроқ қайғуриши "бадавлат бемордан" кўпроқ умид қилаётгандек таассурот уйғотади-я одамда. Анализлар топширдим, ташхис қўйилди, дорилар эзиб берилди. Энди мақсадга ўтади... Қарасам жим. Ҳолатимизни чиқарганларни куруқ қўймаймиз, ахир "қўл ҳақи" деган нарсалар бор. Минг ўйланиб: "Доктор хизмат ҳақи қанча бўлди?" деб сўрадим у баалога қолдим. "Қанақа одамсиз, ўзларинг енг ичида узатасизлар-да, яна доктор пул олди, деб оламга жар соласизлар. Нима сиздан пул сўрадим-

ми? Кетаверинг, тиббиёт муассасамизда барча хизматлар бепул. Ёқмас, пулли жойга боринг."

Ўйлаб қарасам, коррупциянинг илдиз отишида ўзимиз айбдор эканмиз. Туғруқхонада ҳамширадан тортиб қорувулгача "суянчи" пули берамиз. Қайсидир шифохонада бемор ётган яқинимга ҳамширалар яхшироқ қарасин, деб чўнтагига "атаганимизни" солиб қўямиз. Ниҳоят олдинги тиббий текширувлардан ўтиш ўрнига ҳамшираларга: "Хал қилиб беринг, рози қиламан", деб пора олишга ундаймиз. Ўқишга киришга билимимиз етмаслигини билди қинғир йўллари излаётимиз-да, алданиб қоламиз. Яқинда интернет сайтларидан бирида ўқиб қолдим, мактаб директори биринчи синфга ўқувчи қабул қилиш учун пора олаётганда далиллар билан ушланибди.

Бундай мисоллар кўп, номма-ном санаш фикридан йироқман. Нима, сўраса қўш-қўллаб беравериб керакми? Ахир, жазо муқаррарлигини била туриб, 2017 йил 3 январда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунни ўзимиз бузаямиз-ку! Қонундан ҳам аввал виждонимиз уйғоқ бўлиши керак эмасми? Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асаридан шундан жумлалар бор: "Нега?! Нега мен пора беришим керак? Нега?! Порани харом одам беради, билдингми! Порани харом одам олади! Билдингми?! Порани имонсиз одам имонсиз одамга беради! Тушундингми?! Нега мен ўз имонимни сотиб порахўрга айланишим керак? Нега?"

Шу саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Ўйлайманки, ҳаёлимизда ўрнашиб қолган "хизмат ҳақи қанча" дейишни бас қиламиз.

Хуршид КОДИРОВ,
журналист
www.uza.uz

Мулоҳаза учун мавзу

Гулҳаё туни билан мижага қокмади. Каллаи сахарлаб йўлга отланди. Тишининг оғриғига чидай олмай автобусдан тушиб, таксиди кетди.

Борса, тиш шифохонасида қорувулдан бошқаси йўқ. У билан бир оз гаплашган бўлди-да, тузукроқ шифокорни сўраб билди. Соатига қаради 8:45. "Буларда ҳам иш 9:00 дан экан-да", деб ўйлади. Яна ярим соатлар ўтди қаттиқ босиш ке-

гимга 2 мингдан қўп "лайк" босилибди", деди...

Бўрттирапти демангу, Гулҳаё 2 соатча оғзини очиб ўтирди.

Худо инсоф бериб, шифокор ҳамширага: "Ишни тугатай, бу матоҳ кўп вақтни оладида, кўзимдан нарироқ қўйинг", деди.

Бўлди, ҳозир пломба қўямиз, оғзингизни ёпманг.

Ич-ичидан суянган Гулҳаё оғзини янада каттароқ очди.

Шифокор, пломба ни маҳкам ўрнатиш учун қаттиқ босиш ке-

миз, тун ярмигача ҳам у қўлимиздан тушмайди-ку", деган фикрлар ўтаётгани аниқ.

Айтишларича, смартфон иxtирочилари ундан ўз фарзандларининг фойдаланишини таққиллаган эканлар. Бўлса борди. Мукамал технология ва кўнгилочар ўйинлар иxtирочилари электрон қурилмаларнинг зарарини ҳаммадан яхшироқ билишадими-да...

Аслида, ўйин ишлаб чиқарувчи компаниялар фойдаланувчиларда ўрганиб қолиш ҳиссини уйғотиш орқали, уларни ушлаб турадилар. Бинобарин, уларнинг иши, мақсади, шу. Энг ёмони, улар ниятларига эришаётир. Бунинг худди гипноз таъсирига тушгандек, ёниб турган экранга соатлаб термулаётганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хўш, бу бизга молиявий, жисмоний, ўз навбатида, руҳий таъсир кўрсатишини қачон тушуниб ет-

амиз?

Шу ўринда машҳур техника билимдони Жастин Розенштейннинг фикрларини келтирсак: "Инсонлар доим яхши ниятда бирор нима яратишадими, лекин кейинчалик улар маҳлуқни яратганиларни маълум бўлади".

Жастин ноутбуки ва смартфонидидаги барча иловаларни ўчириб, юклаб олишни ўзи учун таққиллаган. Шунингдек, у Facebookдан фойдаланиш вақтини чегаралаган. У ҳатто, ўзи қўядиган "лайк"ларни ҳам назорат қилиб боради. Энг қизиғи шуки, "лайк"ни бир пайтлар Жастин Розенштейннинг ўзи иxtиро қилган эди...

Унинг кузатувлари шуни кўрсатдики, орамизда ўз смартфонига бир кунда 2,5 минг мартаба мурожаат қиладиганлар ҳам бор экан. Хуллас, вертуал оламга мукасидан кетишлик, ақлий фаолиятга жиддий зиён етказишни олимлар аллақачон исботлашган.

Шундай экан, ўзимизни, вақтимиз ва ҳаракатларимизни назорат қилайлик.

Ирода НОРОБОВА

истиқлол йилларида халқимиз онгу шури, маънавий ҳаёт тарзи ҳамда дунёқарашида беқиёс ўзгаришлар рўй берганлиги барчамизга аён. Бу, ўз навбатида, санъат ва маданият соҳаларида ҳам буткул янги-ча қарашлар, эски замон талабларидан холи бўлган эркин ижодий муҳит юзага келишида асосий омил вази фасини бажарди. Ушбу соҳаларни ривожлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биламизки, ҳар қандай мақтовга арзигulik иш замирида минглаб инсонларнинг пешона тери, умри ётади. Унга узокдан туриб турли муносабат билдириш мумкин.

МАҲДУДЛИКНИНГ МИНГ БИР ТАШВИШИ

ёхуд кино кеча, бугун, эртага

шиқ, пухта сценарийлар ёзадиганларнинг уни ўчгани рост. Бори ҳам Алининг калпоғини Валига кийдириб элпаб келишаётганди. Кино – масҳабозлик қиладиган майдон эмас. Бу олиймақом санъат турини топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Президентнинг "Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори кино соҳасини муқаррар ҳалокатдан қутқарув бонги ва оқилона ечим, деб ҳисоблайман.

Бу мўъжизавий санъатнинг эстетик жиҳатини, гўзал моҳиятини инкор қилмаган ҳолда, кинематографияни санъатга боғлаб, унинг молиявий манфаатдорлик томонини биринчи ўринга қўювчилар йўқ эмас. Таниқли киношунос А. Мальроўнинг "Кино руҳияти ҳақида очерклар" китобида шундай қайд этиди: "Ким нима дейишдан қатъи назар, охир-оқибатда кино-

нинг санъат тури эканлигини тан олишга мажбурмиз. Хуллас, кино ҳақида баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз тўхтамаётгани ҳам бу санъатнинг, ниятда, ўзига хослигидан бир дараж".

– Қарор бўйича ишлар қилинса, бу тизимда оламшумул янгиликлар бўлади. Лекин "чаламулла"лардан воз кечиш пайти келмади-микан?!

– Мен киношунос сифатида чиндан ҳам ҳозирги ҳолатга жоним ачиб, қуюниб кетаялман. Ўрни келди айтиш керак, мамлакатимиз кино

ши мумкин бўлган режиссёрлар ҳам "хонтахта" фильмлар оҳангжамасига берилишди. Бу ерда иқтисодий манфаат устун келгани аниқ. Кино санъатининг эътибордан бир муддат четда қолгани уддабурон тадбиркорларга қўл келди. Улар пул ишлаш учун бир марта кўришга-да арзимайдиган фильмларга ҳомийлик қила бошлади. Натижада, томошабинларнинг савияси ўтмаслаша борди, афсуски, бу ҳозир ҳам давом этмоқда.

Кино тарихи юз йилдан ортқ вақт мобайнида турлича ривожланиш босқич-

ларини бошдан кечирди. Таниқли кинематографлардан бири П. Гринүэй шундай ёзади: "Ниманидир бошлаш учун унутмоқ ёки бутунлай йўқ қилимоқ зарур. Мен сизларга, модернчи (замонавий, янгиликпараст) бўлинглар, демокчи эмасман. Мен бунга қаршиман. Лекин шуни тушунаманки, кинематографчи сифатида ниманидир кесиб ташлашим, кино оламида рўй берган дахшати ҳалокатни унуттишим, у ҳақда ҳамма нарсани бутунлай ёддан чиқариб ташлашим керак. Шу пайтгача, кинода нима иш қилинган бўлса, уларнинг бари – фақатгина муқаддима, фақатгина бошланғич қисм. Ҳақиқий кинони яратиш учун шунча қўп бесамара ҳаракатлар қилинибди-я. Мен ўзимга мана шу фикрнинг сингдиришга уринаман".

Ў.А. мухбири
Ғайрат ШИРИНОВ
суҳбатлашди.

Ғазал соғини

Жунун водисига мойил кўрарман жони зоримни,
Тиларман бир йўли бузмак бузулган рўзгоримни

Фалак бедодидан гарчи маним хоки ғубор ўлдум,
Тиларман, топмағайлар тўтиёликка ғуборимни.

Деманг, қай сори азм этдинг, менга йўқ иxtиёр, охир
Қазо илгига бермишман инони иxtиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфарони юз,
Фалак зулми бадал қилди ҳазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,
Не тонг, бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Ёмон ҳолимга бағри оғриғай ҳар кимсаким кўргай,
Бағир парголасидан қонга бўлгонгун узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронман асру, эй соқий,
Қадаҳқа заҳр қотил қуй, доғи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўку боримни.

Алишер НАВОЙИ

Қозогистон Республикасининг Қарағанда шаҳрида беш минг йиллик тарихга эга иккита одам суякларни топилди.

5 МИНГ ЙИЛЛИК СУЯКЛАР

Бу ҳақда мамлакатдаги ижтимоий тармоқлардан бири хабар қилди. Қабрда бир аёл

ва бир эркак ёнма-ён ётибди. Эркакнинг ёнида ўқ ва пичоқлар, аёлниң ёнида эса тақин-

чоклар турибди. Қабр атрофида бронза даврига оид иккита отнинг суяк қолдиқлари топилган.

КЎЗИНГИЗДАН НУР АРИМАСИН

Лондонлик тадқиқотчилар глаукомани эрта босқичларда аниқлаш ва даволашга ёрдам берувчи куркумин воситасини етказиб беришнинг янги усулини ишлаб чиқишди.



Занжабил таркибига кирувчи бу пигмент кўз шохпардасининг асаб толаларини зарарланшидан асрайди. Куркуминни етарли миқдорда олиш учун одам бир суткада 24 тагача таблетка ичиши керак бўлган, бу эса овқат ҳазм қилиш

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Рассом хандаси



Ҳусан СОДИҚОВ
чизган расм

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

12 045 нусхада чоп этилди

Телефонлар:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва оператор Т. Махмудхўев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Абдулсалим МАҲМУДОВ
Навбатчи
Зуҳридин РАҲМОНОВ
Назоратчи мусаввиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-2090. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қороз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.20.